# Қонун олдида ҳамма баробар

Сир эмас, вақтинчалик иқтисодий қийинчиликлар, мулкчилик янги шаклларининг вужудга келиши, жамият ҳаётининг кўпгина томонларини тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар талабга жавоб бермаслиги салбий оқибатларга олиб келаётир. Собиқ Иттифоқнинг барча минтақаларидаги каби республикамизда ҳам уюшган жиноятчилик ҳоллари рўй бериши ҳақли равишда меҳнаткашларнинг норозилигини туғдиряпти. Редакцияга келаётган кўпдан-кўп шикоятлар шундан далолат бермоқда. Дарҳақиқат, одамлар очликка, ночорликка, ҳамма нарсага чидаши мумкин. Лекин тартиб-интизомнинг бузилишига, адолатсизликка асло чидай олмайдилар. Шу боис улар Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг шахсан топшириғи билан жиноятчиликка қарши бошланган аёвсиз курашни қизғин қўллаб-қувватламоқдалар. Қуйида бу борада жойларда амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида, уларнинг дастлабки самараси тўғрисида ҳикоя қилинади.





## МАЙИЗ ЎРНИГА... ЗАҲРИ ҚОТИЛ

Ўзбекистон Республикаси давлат божхона комитети Сурхондарё вилоят бошқармаси ходимлари томонидан яқинда 4301748 рақамли контейнер тўхтатиб қолинди. У Америка қитъасидаги мамлакатлардан бирига жўнатилаётган экан. Контейнерга майиз ортилган, деб расмийлаштирилган ҳужжат божхона ходимларини шубҳалантирди. Шу боис у ушлаб қолинди. Ҳужжат бўйича 28 тонна майиз ортилганлиги кўрсатилган эди. Ваҳоланки, оператив гуруҳ текширувидан сўнг контейнерда 13 тонна 50 килограмм наркотик модда борлиги аниқланди. Иш юзасидан тергов давом этмоқда.

Гиёҳвандликка қарши курашни кучайтириш мақсадида Афғонистон билан чегарадош жойларда бешта божхона пости, жумладан, Тожкистон ва Туркманистон чегарасида ҳам 8 та пост фаолият кўрсатмоқда. Қўшимча постларни ташкил этиш қонунни бузиш ҳолларига, чегарадан ўлим хавфи туғдирадиган маҳсулотларни олиб ўтишга қарши курашни фаоллаштириш имконини бериши турган гап.

Суратларда: 1. Божхона маслаҳатчиси Абдусалом Бўриев (чапда) ва бошқарма ходими Андрей Галицкий ушлаб қолинган юк билан. 2. Мусодара қилинган буюмлар.

И. ХУЖАЕВ олган суратлар. (ЎзА).

## АСОСИЙ БУРЧИМИЗ

**Уюшган жиноятчиликка қарши кураш — ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг асосий вазифасидир. Бу борада Қашқадарё вилоятида қандай тадбирлар амалга оширилаяпти? Мухбиримиз вилоят прокурори, учинчи даражали адлия маслаҳатчиси Эркин Меҳмонович Абзалов билан учрашиб, унга ҳуқуқни муҳофаза қилиш маҳкамалари, жумладан, вилоят прокуратурасининг қонунбузарлик ва жиноятчиликка қарши кураш бўйича олиб бораётган ишлари ҳақида саволлар билан мурожаат қилди.**

**— Эркин Меҳмонович, ҳозирги иқтисодий танглик даврида уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш учун вилоятда қандай чора-тадбирлар кўриляпти?**

— Аввиломбор, содир этилаётган жиноятлар, қонунбузарликлар ҳозирги ижтимоий вазиятдан келиб чиқувчи омилларга бевосита боғлиқ эканлигини таъкидламоқчиман. Вилоятда илгари уюшган жиноятчиликни келтириб чиқарадиган маълум бир омиллар бор эди.

Кейинги вақтда вилоят ҳудудида 20 дан ортиқ оғир жиноят содир этган Фахриддин Қултоев бошчилигидаги уюшган жиноятчилар гуруҳи қўлга олинди ва уларнинг ташкилотчиларига суд томонидан ўлим жазоси берилди. Ҳукм қонуний кучга кирди. Шунингдек, узвий ҳамкорлигимиз туфайли бир қанча жиноий гуруҳларнинг фаол раҳбарлари қўлга олиниб жиноий жавобгарликка тортилдилар.

Ўтказилаётган тадбирлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига нисбатан кун сайин ошиб бораётган талабчанлик натижасида жиноятнинг умумий сони ва оғир турларининг камайишига эришилмоқда. Масалан, ўтган йили вилоят бўйича рўйхатга олинган жиноятлар беш фоизга, оғир турдаги эса 9,8 фоизга камайганлиги фикримизнинг далилидир. Айниқса, одам ўлдириш жинояти 32,2 фоиз, фуқароларнинг шахсий мулкини ўғирлаш 13,3 фоиз, талончилик 21,8 фоиз, фирибгарлик 38 фоиз камайди.

**— Шу ўринда уюшган жиноятчиликка қарши олиб борилаётган ишлар ҳақида батафсилроқ сўзласангиз...**

— «Интер-Восток» ассоциациясининг Қашқадарёдаги филиалида катта миқдордаги давлат пул маблағини ўзлаштирган Н. Жуманиёзов ҳомтовоқлари билан бирга жиноий жавобгарликка тортилди. Шаҳрисабз, Яккабоғ вино ишлаб чиқариш корхоналари қошида уя қўйган шахслар — Аҳмад Узоқов, Сиддиқ Рўзиев, Даврон Нормуродов спирт ўғирлаб ясама ароқ тайёрлаш билан шуғулланиб келганлар. Уларнинг ҳам жиноий фаолияти фош этилиб, қонуний жавобгарликка тортилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ҳозир ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари ходимлари жиноятчилика қарши, айниқса, гиёҳвандлик, қурол сақлаш ва олиб юриш, босқинчилик ва толончиликка нисбатан кескин ҳаракат қилмоқдалар. Бу ўринда Қамаши, Деҳқонобод, Косон районлари ва Шаҳрисабз шаҳар прокурорлари иши ибратли эканлигини таъкидлаш жоиз. Вилоят прокуратураси ходимлари халқимизнинг осойишта ва фаровон турмуш кечириши; ижтимоий адолатни қарор топтириш йўлида бундан кейин ҳам куч-ғайратларини аямайдилар.

## МУДИР ҚЎЛГА ТУШДИ

**● Вилоят ички ишлар бошқармасининг иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бўлими ходимлари харидор ҳақига хиёнат қилаётган, давлат молини талон-торож этилишига йўл қўяётган шахсларга қарши курашни янада кучайтирмоқдалар.**

Хайробод матлубот жамиятига қарашли автодўкон мудири Ў. Раззоқов 11 январь куни уч қоп гуручни 10 минг 287 сўм фойдасига пуллаётганда қўлга тушди. Бугунги кунда тақчил бўлган озиқ-овқат молларини қоп-қопи билан сотиш йўлини у қаердан, аниқроғи кимдан ўргандийкин? Жинояти фош бўлган юлғич бу ҳақда маъмурий орган ходимларига жавоб бериши тайин.

Гагарин шаҳрида яшовчи Анатолий Нискуба эса уйида шакар, пахта ёғ каби кундалик эҳтиёж молларини давлат нархидан ўн чандон ошириб сотаётганда ушланди. Унинг турар жойи тинтиб кўрилганда давлат нархида 25 минг 790 сўмлик озиқ-овқат моллари борлиги аниқланди. Бу рақамни бозор нархига кўпайтирсангиз чайқовчининг нимани кўзлаганини яққол сезасиз.

Давлат моллари кимларнингдир хонадонида сотилаётгани ажабланарли.

**Б. САТТОРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ИЛДИЗИГА БОЛТА УРИЛМОҚДА

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги декабрь ойининг биринчи ярмида комплекс операция ўтказди. Унга шаҳар ва районларнинг ички ишлар бўлимлари ходимлари тўла жалб қилинди. Тадбир дастлабки самараларни берди. Жиноят қидирув бўлими бўйича ҳисобга олинган жиноятларнинг сони 1991 йилнинг шу кунига нисбатан 20,8 фоиз камайди. Жиноятнинг ўз вақтида очилиши 4,1 фоиз ўсди. Қочиб юрган 19 жиноятчи ушланди. 70 кишидан ўқ отиш қуроллари тортиб олинди.

Автомобиль ҳалокатининг олдини олиш мақсадида 2890 ҳайдовчи тўхтатиб текширилди. Шундан 192 ҳайдовчининг автомашинасида давлат белгиси йўқлиги, 82 ҳайдовчи маст ҳолда машинани бошқариб бораётганлиги аниқланди. Безорилик қилиб юрган 278 киши, давлат молларини қиммматига сотаётган 127 чайқовчи ушланди.

... Тунги соат иккиларда Тахиатош шаҳри кўчаларининг бирида кетаётган нотаниш тўрт киши ВАЗ —2106 маркали «Жигули»ни тўхтатиб, ҳайдовчисини калтаклайдилар, машинани эса олиб қочишади. Бундан хабардор бўлган милиция ходимлари машинани топиб, эгасига топширадилар. Босқинчилар иши ҳозир терговда.

9 январь куни тунда Тўрткўл пахта тозалаш заводидан 1135 килограмм пахта, ҳар бири 56 квадрат метрли иккита брезент ўғирланган. Оператив қидирув натижасида жиноятчи ушланди. Худди шу куни Ленинобод районидаги «Партия XXII съезди» давлат хўжалиги ҳудудида қўй боқаётган чўпон Маткелдиевга икки киши келиб, бизлар органнинг ходимларимиз, деб қизил гувоҳномасини кўрсатиб, тўрт қўйини олиб кетишади. Жиноятчилар 13 январь куни ушланди. Терговда биринчиси табиатни муҳофаза қилиш инспектори, иккинчиси эса электрпайвандчи эканлиги аниқланди.

Жиноятчилик илдизига болта урилаётганлигини кенг меҳнаткашлар оммаси қизғин қўллаб-қувватламоқда.

**Р. ЕШИМБЕТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

● «ҚУЁШ ЙЎЛИ ОСИЁДАН БОШЛАНАДИ ЁКИ ЖАНОБ А. СОКОЛЬЯНСКИЙГА ЖАВОБ.
● ҚАШҚАДАРЁ: БОЖХОНА ҚОНУНСИЗЛИК ЙЎЛИНИ ТЎСАДИ.
● ХОРАЗМ: «ЖИҒИЛДОН БАНДАЛАРИ ЁХУД НАФСИ ЎПҚОН ТАШМАЧИЛАР ҲАҚИДА».
● ХОСИЯТ БОБОМУРОДОВА ИЖОДХОНАСИДА.


Ўзбекистон овози

# ХАРЧИНОМА

Жамғарма банки

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМҒАРМА БАНКИ ОМОНАТ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ФОИЗЛИ УСТАМАЛАРИНИ КЎПАЙТИРДИ.

1993 ЙИЛ I ЯНВАРДАН БОШЛАБ УСТАМА ФОИЗЛАРИ ҚУЙИДАГИЧА БЕЛГИЛАНДИ:

ТАЛАБ ҚИЛИБ ОЛИНГУНЧА ҚЎЙИЛГАН ОМОНАТЛАРГА—10 ФОИЗ

МУДДАТЛИ ОМОНАТЛАРГА

—1 ЙИЛДАН 3 ЙИЛГАЧА— 20 ФОИЗ

—3 ЙИЛДАН 5 ЙИЛГАЧА— 30 ФОИЗ

—5 ЙИЛДАН ОРТИҚ БЎЛСА— 45 ФОИЗ

ЁШЛАРНИНГ МУКОФОТЛИ ОМОНАТИГА— 20 ФОИЗ

БОЛАЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ОМОНАТГА— 45 ФОИЗ

ЖАМҒАРМА МАБЛАҒЛАРГА— 45 ФОИЗ

ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАРГА— 6 ФОИЗ

**ЖАМҒАРМА БАНКИ ЭНГ ИШОНЧЛИ БАНКДИР ВА ШУНДАЙ БЎЛИБ ҚОЛАДИ. УНИНГ ЎЗ ОМОНАТЧИЛАРИ ОЛДИДАГИ БАРЧА МАЖБУРИЯТЛАРИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМҒАРМА БАНКИ**

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик фанлари академияси
ЎЗБЕКИСТОН ЎСИМЛИКШУНОСЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҚУЙИДАГИ БЎЛИМЛАР БЎЙИЧА

## ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Дала ўсимликлари лабораторияси: **мудири** — доктор ёки фан номзоди (буғдой ўсимлиги ихтисоси бўйича) — 1; **катта илмий ходим** — фан номзоди — 1;

Сабзавотчилик лабораторияси: **катта илмий ходим** — фан номзоди — 1; **катта илмий ходим** фан номзоди —1; **кичик илмий ходим** — 1.

Пахта лабораторияси: **катта илмий ходим — 1.**

Биологик кимё лабораторияси: **катта илмий ходим** — фан номзоди (физиолог) — 1,

Янги ўсимликлар лабораторияси: **катта илмий ходим** (биотехнология ихтисоси бўйича) — фан номзоди — 1: **илмий ходим** — 1.

**ТАНЛОВ МУҲЛАТИ**

**Ҳужжатлар эълон босилиб чиққан кундан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади.**

**Ҳужжатлар қуйидаги манзилгоҳга юборилсин:** 702134. Тошкент вилояти, Қибрай ноҳияси, «Ботаника» алоқа бўлими Ўз ЎИТИ.

Тел: 64-23-74, 61-660.

ҚОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА МУАССАСАЛАР РАҲБАРЛАРИНИНГ

## Д И Қ Қ А Т И Г А!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

## Т У Г А Т И Л Д И

Вазирликни тугатиш комиссияси эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида барча даъволарни қуйидаги адресда қабул қилади:
700060, Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 17, тугатиш комиссияси.


**ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!**

«Муштум жамоаси журналнинг собиқ ходими, меҳнат фахрийси, таниқли ёзувчи **Анвар МУҚИМОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, республика «Ўзиссиқликкоммуналэнерго» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи «Фарғонавилиссиқликкоммуналэнерго» ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи ўртоқ А. Х. Эргашевга отаси **Эргаш ҲОЖИНАЗАРОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Жумҳурияти Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги балиқ етиштириш, қайта ишлаш ва сотиш Концерни бошқаруви жамоаси шу бошқарув аъзоси, Хоразм жумҳуриятлараро балиқчилик ишлаб чиқариш саноати бирлашмасининг бош директори И. С. Сатторовга отаси **САТТОР бобонинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.




МАНЗИЛИМИЗ: 700083 ТОШКЕНТ, ГСП, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ 32-УЙ.

МУАССИСЛАР:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ

Бош муҳаррир
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

● РЕДАКЦИЯЛАР Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80; 32-53-14. Ижтимоий ҳаёт — 32-21-43; 32-53-16; Вилоят мухбирлари билан ишлаш — 33-12-16; 31-11-49, Хатлар бўлими — 33-20-36; 32-54-35. Котибият — 33-72-83; 32-53-06. Ахборот — тижорат хизмати — 32-54-14. Қабулхона — 32-55-15.

● ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда—4-48-85, Бухорода—3-96-12, Гулистонда 2-26-22, Жиззахда 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Намангандa 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада 6-97-89, Термизда 2-23-01, Тошкентда: шаҳар бўйича 33-76-04. Вилоят бўйича 32-26-70.

Навбатчи муҳаррир: А. ПУЛАТОВ.

*

● Бирорта ҳам хат редакция эътиборидан четда қолмайди.
● Эълонлар кечиктирмай чоп этишга кафолат берилади.
● Қўлёзмалар ҳажми чегараланмайди.
● Газетанинг босилиш сифати ҳақида эътирозни қуйидаги телефонга маълум қилишингиз мумкин: 33-34-48.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Газета офсет усулида А—2 форматда босилади. ● Тиражи—150764 нусха. ● Босишга топшириш вақти—21.00 топширилди—19.00

№ 19 Г—07 1 2 3 4 5 6